



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Олтаев Ш.С. – СамИСИ доценти, и.ф.н.

Аннотация: ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг назарий-методологик асослари тадқиқ қилинган. Шунингдек мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг стратегик бошқарув ҳисоби, унинг элементлари, молиявий оқимларнинг стратегик бошқарув ҳисоби ҳамда харажат турларининг назарий-методологик асослари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли технологиялар, стратегик бошқарув ҳисоби, молиявий оқимлар, ўзгарувчан харажатлар, доимий харажатлар, ярим ўзгарувчан харажатлар.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш босқичида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини самарали бошқариш ҳар бир йўналишда йўлга қўйилган бошқарув ҳисоби тизимисиз тасаввур қилиш мураккаб. Хўжалик юритувчи субъект менежерларига тақдим қилинадиган барча ҳисоб маълумотлари ва босқичларини бошқарув ҳисоби тизими ўз ичига олади. Хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисоби альтернатив қарорларни қабул қилишда харажатларни режалаштириш ва назорат қилиш жараёни билан чамбарчас боғлиқ.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, унда баён этилган хулоса ва тавсиялар хўжалик юритувчи субъектларда стратегик бошқарув ҳисоби тизимини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин. Хусусан, молиявий оқимларни стратегик таҳлил қилиш, харажатларни тўғри таснифлаш ва уларни бошқариш механизмларидан фойдаланиш корхоналарда



молиявий натижаларни яхшилашга хизмат қилади.

Шунингдек, мақолада ишлаб чиқилган ёндашувлар корхоналарда рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган бошқарув ҳисоби тизимларини жорий этишда услубий асос сифатида қўлланилиши мумкин. Тадқиқот материаллари олий таълим муассасаларида “Бошқарув ҳисоби”, “Стратегик менежмент” ва “Рақамли иқтисодиёт” фанларини ўқитиш жараёнида ҳам ўқув-услубий материал сифатида фойдаланиш имкониятига эга.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ХТТ доирасида қабул қилинадиган ҳисоб турларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Тактик ҳисоб: молиявий ҳисоб, солиқ ҳисоби, бошқарув ҳисоби.
2. Стратегик ҳисоб: стратегик молиявий ҳисоб, стратегик солиқ ҳисоби, стратегик бошқарув ҳисоби.

Стратегик бошқарув ҳисобининг тамойиллари молиявий, бошқарув, солиқ ҳисобларининг тамойилларига асосланиб, ушбу ҳисобнинг объектлари хўжалик юритувчи субъектнинг бизнес стратегияси ва менежерларининг ахборот талаблари орқали аниқланади. Стратегик бошқарув ҳисобининг объектига қуйидагиларни киритиш мумкин: харажатлар, молиявий натижалар, инсон ресурслари, инновациялар, пул оқимлари, хусусий мулк киради.

Стратегик бошқарув ҳисобини қуйидаги 3 элемент ёрдамида ёритиш мумкин:

1. Стратегик таҳлил;
2. Стратегик режалаштириш;
3. Стратегик назорат.

Стратегик бошқарув ҳисобининг биринчи элементи стратегик таҳлил хўжалик юритувчи субъектларнинг муайян вақтдаги ҳолатини баҳолашга қаратилган. Шу билан бир қаторда стратегик таҳлил давомида хўжалик юритувчи субъектнинг стратегик мақсадининг аниқ ва равшанлигига ҳамда



талаб қилинаётган ҳажмдаги ресурслар билан таъминланганлик даражасига баҳо бериш имкониятига ҳам эга бўлади.

Стратегик режалаштириш орқали хўжалик юритувчи субъектнинг узок муддатли стратегик мақсадларига эришиш учун стратегик режаларни ишлаб чиқишни назарда тутди. Стратегик режалаштириш қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- суб-стратегия;
- алоҳида йўналишлар стратегияси.

Стратегик бошқарув ҳисобининг 3-элементи стратегик назорат бўлиб, стратегик назоратнинг аҳамияти белгиланган стратегик мақсадларга эришиш жараёнини кузатиб, назорат қилиб бориш, агарда четланишлар мавжуд бўлса, тезкорлик билан бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳолатига қайтаришни таъминлашдан иборат.

Стратегик бошқарув ҳисобининг учала элементи бир-бири билан боғлиқ бўлиб, хўжалик субъектларининг молиявий оқимларини бошқаришда муҳим аҳамият касб этади.

1-жадвал

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг асосий молиявий кўрсаткичлари

Номланиши	Назоратдаги кўрсаткичлар
Хўжалик юритувчи субъектнинг мулкый ҳолатини баҳолаш	Айланма ва муомаладан ташқари маблағлар нисбати, тез ва қийин айланадиган маблағлар миқдори, даражаси ва нисбати
Молиявий барқарорликни баҳолаш	Тез айланадиган маблағлар миқдори, жорий ва мутлоқ ликвидли маблағлар, уларнинг коэффициентлари
Ишбилармонлик фаолиятини баҳолаш	Айланма капитал миқдори, шахсий маблағлар билан таъминланган маблағлар коэффициенти
Бозор муносабатлари	Тоза активлар миқдори, тўланадиган дивидендлар



самарадорлигини баҳолаш	даражаси, инвестицияларнинг даражаси, барча активлар рентабеллиги	даромадлики
----------------------------	--	-------------

Молиявий оқимларнинг стратегик бошқарув ҳисобини қуйидаги воситалар ёрдамида баҳолаш мумкин:

- Молиявий ҳолатни баҳоловчи нисбий кўрсаткичлар тизими;
- Молиявий оқимлари классификацияси;
- Молиявий оқимлари математик модели.

Молиявий оқимларнинг стратегик таҳлили иқтисодий таҳлилнинг қуйидаги усулларида ташкил топган:

- мутлақ қийматлар усули;
- нисбий қийматлар усули;
- таққослаш;
- гуруҳлаштириш;
- балансли усули ва бошқалар.

Харажатларни қуйидагича таснифлаш мумкин:



1-расм. Харажатларнинг таснифланиши

Ўзгарувчан харажатларни шартли равишда 2 га ажратиш мумкин:

1. Маҳсулот таннархига кирувчи:

- Тўғри моддий харажатлар (хом ашё, материаллар);
- Тўғри меҳнат харажатлари (иш ҳақи, иш ҳақидан ажратмалар);
- Баъзи умумишлаб чиқариш харажатлари (ёқилғи-мойлаш, электр энергия).



2. Давр харажатларига кирувчи:

- Маҳсулот реализацияси (тижорат) билан боғлиқ баъзи харажатлар (маҳсулотни ўраш, жойлаш, юклаш);
- маъмурий-бошқарув харажатларининг айримлари.

Ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши билан пропорционал ўзгарадиган харажатлар ҳисобланса, доимий харажатлар ишлаб-чиқариш ҳажми ўзгаришидан қатъий назар ўзгармайдиган харажатлар ҳисобланади.

Доимий харажатлар деганда, ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этмайдиган, у ўзгарганда ҳам миқдорини ўзгартирмайдиган харажатлар тушунилади:

1. Маҳсулот таннархига кирувчи:

- баъзи умум ишлаб чиқариш харажатлари (ижара харажатлари, ҳисобланган эскириш суммалари, мол-мулк солиғи);

2. Давр харажатларига кирувчи:

- маҳсулотлар реализацияси билан боғлиқ баъзи харажатлар (реклама харажатлари ва бошқалар);
- маъмурий-бошқарув харажатларининг кўпчилиги.

Ярим ўзгарувчан харажатлар бир пайтнинг ўзида ҳам ўзгарувчан, ҳам доимий харажатлар хусусиятига эга бўлган харажатлар ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида стратегик бошқарув ҳисоби тизимининг ривожланиши ахборот сифатининг ошиши билан бевосита боғлиқдир. Ахборотнинг тезкорлиги, ишончлилиги ва таҳлилга тайёр ҳолда тақдим этилиши корхона менежментининг стратегик қарор қабул қилиш жараёнида муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан, стратегик бошқарув ҳисоби анъанавий ҳисоб тизимларидан фарқли равишда фақатгина молиявий кўрсаткичлар билан чекланиб қолмасдан, ташқи муҳит омиллари, бозор конъюнктураси ва рақобат муҳитини ҳам инобатга олган ҳолда шаклланади.



Стратегик бошқарув ҳисобининг такомиллашуви корхонанинг узок муддатли мақсадлари билан жорий фаолият ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлашга хизмат қилади. Бунда харажатлар, молиявий натижалар ва пул оқимлари стратегик мақсадларга эришиш воситаси сифатида қаралади. Натижада стратегик бошқарув ҳисоби корхона фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс бошқарув механизмига айланади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида стратегик бошқарув ҳисобининг аҳамияти янада ортиб бораётгани билан изоҳланади. Чунки рақамли технологиялар асосида шаклланаётган ахборот муҳити хўжалик юритувчи субъектларга молиявий маълумотларни тезкор, аниқ ва ишончли тарзда қайта ишлаш имкониятини яратади. Натижада стратегик қарорларни қабул қилишда молиявий натижаларни прогноз қилиш, рискларни баҳолаш ва муқобил сценарийларни таҳлил қилиш имкониятлари кенгаяди.

Стратегик бошқарув ҳисоби рақамли иқтисодиёт шароитида фақатгина ҳисоб-китоб воситаси сифатида эмас, балки корхонанинг узок муддатли ривожланиш стратегиясини шакллантирувчи муҳим бошқарув инструменти сифатида намоён бўлади. Айниқса, молиявий оқимларнинг рақамли платформалар орқали мониторинг қилиниши корхона раҳбариятига реал вақт режимида молиявий ҳолатни баҳолаш ва зарур ҳолларда тезкор тузатувчи қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Шу билан бирга, стратегик бошқарув ҳисоби тизимида харажатларнинг тўғри таснифланиши корхонанинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Харажатларни ўзгарувчан, доимий ва ярим ўзгарувчан турларга ажратиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини оптималлаштириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва фойда даражасини ошириш имкониятлари юзага келади. Бу эса стратегик режалаштириш жараёнида иқтисодий самарадорликни таъминлашга хизмат қилади.

Молиявий оқимларни стратегик бошқаришда прогнозлаш усуллари



фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Молиявий оқимларнинг келгуси даврлардаги ҳаракатини математик моделлар асосида башорат қилиш корхонанинг инвестицион қарорларини асослаш, ликвидлик даражасини сақлаш ва молиявий барқарорликни таъминлаш имконини беради. Бунда рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган таҳлил воситалари стратегик бошқарув ҳисобининг самарадорлигини янада оширади.

Умуман олганда, рақамли иқтисодиёт шароитида стратегик бошқарув ҳисобини ривожлантириш хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини яхшилаш, бозордаги ўзгаришларга мослашувчанликни ошириш ҳамда узоқ муддатли барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қилади. Шу сабабли стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштириш масалалари илмий тадқиқотларда долзарб йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Юқорида келтирилган назарий қарашлар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, стратегик бошқарув ҳисоби хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айниқса, рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий оқимларнинг шаффофлиги ва уларни самарали бошқариш корхонанинг бозордаги позициясини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, харажатларни стратегик нуқтаи назардан таҳлил қилиш орқали фойда захираларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари юзага келади.

Стратегик бошқарув ҳисоби тизими орқали корхонанинг иқтисодий фаолиятида юзага келадиган хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш, уларнинг салбий таъсирини камайтириш ва барқарор ривожланишни таъминлаш мумкин. Бу эса мазкур ҳисоб турининг амалий аҳамиятини янада оширади.

Хулоса қилиб айтганда, белгиланган стратегик мақсадга эришиш учун у томон олиб борадиган йўللарни аниқлаш, таҳлил қилиш, ундан оқилона фойдаланиш, шунингдек самарасини ошириш стратегик бошқарув ҳисобининг вазифаси ҳисобланади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пардаева Ш.А. Хўжалик субъектларида молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштириш. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий-электрон журнал. www.interfinance.uz, №3, 2021 йил, июнь.
2. Пардаева Ш.А. Харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали ташкил қилиш йўналишлари. "Иқтисодиёт ва таълим" илмий журнали, 2022 йил 2-сон 141-145 бетлар.
3. Pardaeva Sh.A. Improving strategic management accounting of financial results in business entities. European Journal of Research Development and Sustainability (EJRDS). Impact Factor 7.455. Volume 3, issue 9 September 2022. www.scholarzest.com.
4. Shavkat Oltaev. Herausforderungen und Lösungen beim Bau einer Gemeindeabteilung und Investitionen in Familienunternehmer (Am Beispiel von Navobod NCM des Bezirks Samarkand). Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. 93-97 pp. <http://doi.org/10.5281/zenodo.5513703>
5. Shavkat Oltaev. Wide Opportunities for Innovative Development of Small Business And Private Entrepreneurship in our Country. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 2021. Online: <https://academicjournal.io> 7-13 pp. <https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/334>
6. Shavkat Oltaev. Challenges and solutions in constructing a community section and investing in family entrepreneurs (On the example of Navobod NCM of Samarkand district). American Journal of Research. 2021 USA, Michigan 34. 34-37 pp. <https://zenodo.org/record/5514016>